

Илмий-амалий журнал

ISSN 2181-8150

# Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini

2018-2 (6)



## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори .....	1
<b>И.БОҚИЕВА.</b> Муаммолар барҳам топади .....	4
<b>А.АЛИҚУЛОВ.</b> Қонун лойиҳаси тақомилига етди .....	5
<b>О.СОАТОВ, И.БОҚИЕВА.</b> Кластер усулида ишлаш - давр талабидир ...	8
<b>Р.ТИЛЛАЕВ.</b> Ёш академикнинг "йўл харитаси" шахсий ташаббускорлик ва элга хизмат қилишга йўналтирилган .....	11
<b>А.ҲАМЗАЕВ.</b> Вируслардан ҳоли соғлом уруғлик етиштириш-картошқачилиқдаги долзарб масала .....	13
<b>К.БОЗОРОВ, К.МУМИНОВ.</b> Фосфорли ўғитлар меъёрлари ва асосий ишлов бериш усулларининг эрозияга учраган ерларда кузги бугдойнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири .....	15
<b>Ж.САТТАРОВ, С.СИДИКОВ, З.ХАЙТМУХАМЕДОВА, З.АБДУШУКУРОВА, С.КАСИМОВ, С.МАҲАММАДИЕВ, Р.ХОЛМУРОДОВА, О.ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ш.КУЧҚОРОВА, Б.ҚАРШИЕВ.</b> Ўғит қўллашнинг муаммолари ва уларни ечиш .....	17
<b>Ш.ИРНАЗАРОВ, И.НУРМАТОВ, Г.ТЎРАЕВА.</b> Минерал ўғитлар қўллашда таваккалчилик панд беради .....	22
<b>Б.СУЛАЙМОНОВ, Б.БОЛТАЕВ, Д.НАРЗУЛЛАЕВ.</b> Ғўзани зараркунандалардан асранг .....	24
<b>У.ТАШПУЛАТОВ.</b> Помидор агроценозида энтомофаглар фаоллигини оширишнинг самарадорлиги .....	25
<b>Р.ГУЛМУРОДОВ, А.НОРҚУЛОВ, З.ЮЛДАШОВА, Х.АХМАТЖОНОВ.</b> Бугдойнинг ун-шудринг, септориоз ва сариқ доғланиш касалликларига қарши уйғунлашган кураш тизими ....	26
<b>Ш.ХЎЖАЕВ, Н.САТТОРОВ, Д.МУСАЕВ.</b> Ўсимликхўр қандалаларнинг инсектицидларга сезгирлиги .....	28
<b>Р.ОЧИЛОВ, В.МУХИТДИНОВ, Н.ТУРДИЕВА.</b> Ғўза майдонларида бегона ўтларнинг тарқалиши сабаблари ва уларга қарши курашиш чора тадбирлари .....	29
<b>А.АЗИЗОВ, К.ШАРИПОВ, Л.ШАРИПОВ.</b> Биоэтанол келажак - энергия манбаи .....	30
<b>Э.ДУСМАНОВ, Ф.ЮЛЛИЕВ.</b> Соядан мўл ҳосил олай десангиз .....	32
<b>Б.СУЛАЙМОНОВ, Р.ЖУМАЕВ.</b> In vitro усулида кўпайтирилган Bracon hebetor Say турини ғўза тунламига қарши қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш .....	34
<b>Э.ХОЛМУРОДОВ, И.ДУРШИМБЕТОВ.</b> Қорақалпоғистон шароитида қовун ўсимликларида касаллик кўзгатадиган замбуруғ турларини аниқлаш ...	36
<b>Н.ОТАМИРЗАЕВ.</b> Шоли агробиоценозидаги зараркунандалар .....	38
<b>С.АВАЗОВ.</b> Гнили и плесени лука развивающиеся при его хранении .	41
<b>А.МАРУПОВ, Г.ТУРАМУРАТОВА.</b> Хантал уруғчилиги .....	44
<b>С.АҲМЕДОВ, Э.УМУРЗОҚОВ.</b> Сўрувчи зараркунандаларнинг тамаки маҳсулдорлигига таъсири .....	46
<b>Ф.ТЕШАЕВ, У.АБДУРАХМАНОВ, Т.БОЙҚОБИЛОВ.</b> Пахтадан сифатли ва мўл ҳосил олиш агротадбири ёхуд ғўза дефолиацияси .....	47
<b>Н.АЛИҚУЛОВ, М.ҒОФИРОВ, А.БАРАТОВ, Ф.ИБОДУЛЛАЕВ.</b> Асосий мақсад – аҳоли фаровонлиги .....	50
<b>Ш.АМАНОВ, Ш.ЮЛДАШЕВА.</b> Вредители кунжута .....	51
<b>С.МУСТАФАЕВ.</b> Роль интродукции в сохранении генофонда природной флоры Южного Узбекистана .....	54

## «Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini»

Илмий-амалий журнал

## ЛОЙИХА РАҲБАРИ ВА ТАШАББУСКОРИ

"O'ZAGROKIMYOONIMOYA"  
aksiyadorlik jamiyati

## МУАССИС:

«Davlat kimyo komissiyasi

Ishchi organi»  
muassasasi

Бош директор:

Интизор  
БОҚИЕВА

Бош муҳаррир

Абдунаби  
АЛИҚУЛОВ

Масъул котиб

Бекқул  
ЭГАМҚУЛОВ

Дизайнер

Бекзод  
ЭГАМҚУЛОВ

Журнал Ўзбекистон  
Матбуот ва Ахборот  
агентлигида 2017 йил  
26 майда 0560-сонли  
рақам билан рўйхатга  
олинган.

Босмахонага топширилди  
12 май 2018 йил.

Босишга руҳсат этилди:  
14 май 2018 йил.

Офсет босма усулида босилди.

Ҳажми 5 босма табоқ.

Бичими 60x84.

Адади 2000 нусха.

Буюртма № 164.

«PRINT LINE GROUP» ХК

босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Тошкент шаҳри,

Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

шем количестве отмечаются плесени вызываемые несовершенными грибами. Так, начиная с повышением среднесуточных температур и удлинением срока хранения начинают свое развитие мукоровые грибы, виды р.р. *Cladosporium*, *Ascremonium*, *Cephalosporium*, *Trichotecium* и *Alternaria*.

Каждая группа организмов имеет собственные критические и оптимальные параметры развития и при подготовке материала к закладке, согласно технологической карты, продукция должна быть подготовле-

на к хранению. Так, собранный урожай должен пройти определенные этапы подготовки до его закладки на хранение (сортировка, созревание) и после закладки (лечебный период, период охлаждения, основной и весенний), которые различаются по условиям окружающей среды.

#### ВЫВОДЫ:

1. Микобиота лука при хранении насчитывает 32 вида микромицетов из 15 родов, 5 семейств грибов.

2. Существуют 3 основные экологические группы грибов существующие в овощехранилищах: развива-

ющиеся только в поле; развивающихся как на месте сбора, так и в хранилищах; развивающихся исключительно в хранилищах.

3. Развитие грибных болезней овощной продукции отмечается практически с 1 месяца после закладки продукции на хранение. В первые месяцы в большей степени отмечаются возбудители гнилей, затем при повышении среднесуточных температур и удлинении срока хранения в большей степени развиваются плесени.

**С.АВАЗОВ,**  
Таш ГАУ.

#### ЛИТЕРАТУРА:

1. Билай В.И. и др. Методы экспериментальной микологии: Справочник // Отв. ред. В. И. Билай. - Киев :Наук.думка, 1982.- 550 с.
2. Васильевский Н.И., Каракулин Б.П. Паразитные несовершенные грибы. Ч.1. Гифомицеты. - М.-Л., 1937 - 680 с.
3. Дементьева М.И., Выгонский М.И. Болезни плодов, овощей и картофеля при хранении - М.: Агрпромиздат, 1988 - 231 с.
4. Литвинов М.А. Методы изучения почвенных микроскопических грибов. - Л.: Наука. 1969. - 348 с.
5. Пидопличко Н.М. Грибы-паразиты культурных растений. Определитель. Т.2. Несовершенные грибы - Киев: Наук.думка, 1977- 300 с.
6. Тривятский Л.А., Лесик Б.В., Курдина В.Н. Хранение и технология сельскохозяйственных продуктов.// 3-е изд. - М.; Колос, 1983 - 383 с.
7. Хохряков М.К., Потлайчук В.И., Семенов А.Я., Элбакян М.А. Определитель болезней сельскохозяйственных культур. -Л.: Колос, 1984 - 304 с.
8. Чумаков А.К., Минкевич И.И., Власов Ю.И., Гаврилова Е.А. Основные методы фитопатологических исследований. - М.: Колос, 1974 - 191с.

УДК: 632.937.14:633.511

Мўъжизавий ўсимлик

## ХАНТАЛ УРУҒЧИЛИГИ

**АННОТАЦИЯ:** В статье приводятся данные о положительном влиянии возделывания сарептской горчицы (*Brassica juncea*) в осенний период года, после основных культур с последующей запахкой её фитомассы под зябь, на общие агротехнические показатели почвы и в борьбе с вилтом хлопчатника. Способы выращивания её на семена для широкого применения сидерации в фермерских хозяйствах.

**ANNOTATION:** The article contains data on the positive influence of mustard (*Brassica juncea*) cultivation in the autumn period of the year after the main crops, followed by a smell of phytomass in the fall, on general agrotechnical indices of the soil and in the control of cotton wilt pathogens. Ways to grow it on seeds for a wide application of sideration in farms.

Хантал - (*Brassica juncea*) бир йиллик ўсимлик бўлиб, мой, хантал уни, сидерация ва ҳайвонларга озуқа учун Ҳиндистон, Хитой, Корея, Индонезия, Германия, Венгрия, Россия ва бошқа давлатларда катта майдонларда экилади.

Хантал хочгуллилар (крестгуллилар) оиласига мансуб юқори оксилли ўсимликдир. Унинг томири бир суткада уртача 28 мг гача СО<sub>2</sub> чиқаради (Коссович, 1905й). Унинг томиридан ажраган моддалар ишқорий реакцияга эга (Groh, 1926). Унинг томиридан ажраган фосфор ўсимлик истеъмол киладиган фосфорли кислотани 14-34 % ни ташкил қилади (Ахромейко, 1936). Унда 25% гача протеин ва шоналаш даврида 0,29% фосфор, 2,8 фоиз калций мавжуд. (Шамсуддинов, Бурцева, 1965). Хантал ўсимлигининг 100 кг кўк массасида 12 кг озуқа бирлиги ва 2,2 кг ўзлаштирилган протеин мавжуд (Горелов, 1972; Орипов, 1983).

Хантал ўсимлигини сентябрь-ноябрь ойларида 65-70 кун етиштириб, сўнг тупроқ патогенларига қарши си-

дерат сифатида фойдаланиш энг самарали усуллар. Чунки фитомасса ҳайдалгач, тупроқнинг ҳайдов қатламига кўп миқдорда органика тушиб, чириш жараёнида турлича фитонцидлар, кислота ва газлар чиқаради ҳамда микологик бактерияларнинг ва антагонист замбуруғларнинг сонини ортиши натижасида тупроқ патогенлари бўлган ғўзанинг вилт замбуруғлари ва илдиш чириш касалликларини қўзғатувчиларини нобуд қилиши туфайли пахта ҳосилдорлиги, тола ва уруғ сифатига ижобий таъсир кўрсатади (Марупов, 1975;1988).

Уруғлик учун хантал экишда суперэлита ва элита, уни кўпайтиришда эса биринчи ва иккинчи репродукцияли уруғлардан фойдаланилади.

Бунда уруғ навининг тозаллиги 100 ва 97 фоизни ташкил этиши ёки экиш сифати I классли, I ва II категорияли бўлиши керак. Экишдан олдин уруғлар асфалтланган махсус майдонга ёки брезентга юпқа /5-6 см. қалинликда/ ёйилган ҳолда офтобда 5-7 кун қуритилади. Бу унинг унувчанлигини ва ўсувчанлик қувватини яхши-

лайди. Уруғлик хантал экиш учун бегона ўтлардан холи, унумдор тупроқли майдонлар танланади. Хантални крестгулликлар оиласига мансуб экинлар / рапс, перко, турп, карам, сурепка ва бош./ билан экиш тавсия этилмайди. Чунки улар зараркунанда ва касалликлар учун қулай шароит яратиб беради. Хантал хочгули билан чангланадиган бўлгани учун уни бошқа хочгуллилардан ҳимоя қилиш керак. Хантал билан уларнинг ораси камида 500м бўлиши лозим.

Уруғлик хантал агротехникаси кўчат холдаги ўғит учун етиштириладиган хантал агротехникасидан кам фарқ қилади. Бироқ уруғлик хантал агротехникасининг ўзига хос айрим хусусиятлари ҳам мавжудки, бунинг ичидан унутмаслик лозим. Бу қўйидагилардан иборат: уруғлик хантал қатор оралаб 60 см кенликда ёки икки қаторлаб 70 x 20 см қилиб экилади. Экиш муддати 20 февралдан 5-10 мартгача, гектарига 8-10 кг меъёрда уруғ сарфланади. Шу тариқа ҳар гектар майдонда 300 -350 минг туп кўчат бўлиши таъминланиши лозим.

Ҳар гектар майдонга солинажак минерал ўғитларнинг йиллик нормаси қуйидагича: азот 120, фосфор 70-90, калий 50-60кг. Фосфор ва калий шудгор олдиан, азот

баҳорда қўшимча озиклантириш мақсадида солинади. Баҳорда вегетация даври бошланиши билан экинлар дастлаб гектарига 70 кг, орадан 20-25 кун утгач эса 50 кг азот солинган ҳолда қўшимча озиклантирилади. Шу билан бирга қатор оралари бир икки марта култивацияланади, ўтоқ қилинади ва 2-3 марта суғорилади.

Уруғлик учун экилган хантал кўчатлари албатта нав ва турига караб сараланади. Дастлабки ўтоқ ўсимлик поя ҳосил қила бошлаганда ўтказилади. Хантални бошқа хочгуллилардан осон фарқлаш мумкинлиги бунга имкон беради. Зарур ҳолларда ўсимлик пишиши олдиан қайта ўтоқ қилиниб, типик бўлмаган ва касалланган туллари юлиб ташланади. Шу тариқа иш юритилса, хан-

тал экилган ҳар гектар майдондан 15-18 центнер уруғлик олиш мумкин.

Ханталдан яхши уруғлик олишда уни ўз вақтида ва сифатли йиғиштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу жараённинг ўзига хос айрим қийинчиликлари шундан иборатки, хантал нотекис етилади. Унинг пишган қўзоқлари осонгина ёрилиб, уруғ тўкилиб кетади.

Хантал бевосита комбайн билан ёки алоҳида - алоҳида йиғиштириб олинади.

Комбайн билан йиғиштириб олиш ўт босмаган, хосил бир текисда етишган пайкалларда ўтказилади. Бу тадбирни амалга оширишга хантал қўзоқларининг тўртдан бир қисми қўнғир тус ола бошлаганда киришилади. Бунда ҳар томонлама пухта соزلанган СК-5 "Нива", СК-6 "Колос" дон комбайнларидан фойдаланилади.

Алоҳида усулда ўрим хантал барглари қуриб, тўкила бошлаганда асосий поясининг пастки қисми лимонсимон сариқ рангга, уруғ сарғиш - қўнғир тусга кира бошлаганда ўтказилади. Экин "ЖОК-4", ЖСБ А/3,5, ЖВН-6, "ЖРБ-4,2" каби ўроқлар билан 20-25см баландликдан ўрилади. Бунда ўроқ қамровни борлигича олмаслигини эътиборга тутиш керак. Хантал боғламлари уруғнинг намлиги 15 фо-

издан юқори бўлмаган пайтда С-5 "Нива" ва бошқа комбайнлар билан янчилади. Янчиш даврида комбайн ҳаракатининг тезлиги соатига 5-6 км. бўлади.

Йиғиб олинган уруғ турли аралашмалардан тозаланади ва намлиги 12 фоизга тушгунча қуритилади. Дастлабки тозалаш уруғ тозаловчи ОВП-20 ёки СМ-4 машиналарда амалга оширилади. Намлиги юқори бўлган тозаланган уруғ асфальтланган майдонларга юпқа ёйилган ҳолда офтобда ёки актив вентиляция усули билан қуритилади.

**А.МАРУПОВ,  
Г.ТУРАМУРАТОВА,  
ЎҲҚИТИ.**

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Коссович П. Клевероутомление почвы. // *Опыты. агрон.* - Т.6. - С. 515.
2. Groh S. Überreaktionon der Wurses - laftereinzelnerPflansen und die Beeinflussungder ReaktionVereehiedenerNahrsalzedureh die Pflanzen. // *Land. Jahrb.* - 1926, - 36, - S.483.
3. Ахромейко А.И. О вкделении корнями растений минеральных веществ. - М.: Изв. АНСССР, 1936. - С. 215-254.
4. Шамсутдинов З., Бурицова Б. Горчица и рыжик. // *Сельское хозяйство Узбекистана.* 1965. - № 8. - С. 59-60.
5. Горелов Е.П. Промежуточные культуры в хлопководческих хозяйствах Узбекистана и их использование для сидерации. // *Автореф. докт. дисс.* - Самарканд, 1972.-37 с.
6. Орипов Р. Зимние промежуточные культуры земледелии Узбекистана, их влияние на плодородие почвы, урожайность хлопчатника и других культур. // *Автореф. докт. дисс.* - Омск, 1983- 40с.
7. Марупов А. Разработка методов эффективного применения триходермы по промежуточным и сидеральным культурам в борьбе с вилтом хлопчатника. - *Автореф. канд. дисс.* - Ташкент, 1975.-22 с.
8. Марупов А. Рекомендации по возделыванию горчицы в борьбе с вилтом хлопчатника в условиях Узбекистана. - Ташкент 1988. 4с.